O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
**HOKIMI**

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани
**ҲОКИМИ**

# QAROR - ҚАРОР

2003 yil "22" март № 255-к

«Фукаро Мирзоев Садриддинга
савдо дуконн куриш учун 0,24 га
ер майдони ажратиш хакида»

Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»-нинг 23 моддасига асосан Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 1 февралдаги 63 сонли ва Самарканд вилоят хокимининг 2001 йил 8 февралдаги 34-К сонли карорларини амалга ошириш максадида «Гулобод» ширкат хужалигининг 2003 йил 21 февралдаги 1 сонли умумий вакиллар йигилиши карори Самарканд вилоят «Кишлокхужаликкиме» акционерлик оиршмасининг 2003 йил 4 февралдаги 03\9 ракамли хати ва фукаро Мирзоев Садриддинни туман хокимиятига ёзган аризасини инобатга олиб

К а р о р  к и л а м а н:

1. Фукаро Мирзоев Садриддинга туман худудидаги дехкон ва фермер хужаликларига хизмат килиш максадида минерал угит сотиш савдо дуконн куриш учун 0,24 га сувли ер майдони ажратиш хакидаги "Гулобод" ширкат хужалигининг 2003 йил 21 февралдаги 1 сонли умумий вакиллар йигилиши карори тасдиклансин.

2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1995 йил 16 июндаги 223 ракамли карорига асосан ажратилган 0,24 га 81 балли сувли ер майдони учун вилоят ер ресурслари бошкармасининг махсус хисоб ракамига янги ерларни узлаштириш ва сугориш учун 603500 сум пул микдорини утказиш фукаро С.Мирзоевга топширилсин.

3. Ушбу карорни бажарилишини назорат килиш туман хокимининг уринбосари Ф.Раджабовга юклатилсин.

4. Мазкур карорни тасдиги вилоят хокимидан сурансин.

Туман хокими: Б.Садуллаев